

Хажвчи дўстларимиздан бири яқинда тахририятга бир кучок китобларни кўлтиклаб, уларнинг муаллифи тўғрисида тўйхат ёзиб кириб келди.

— Набижонни биласиз, салом деворди, дўстимиз элликка тўляпти, — деди у тўйхатни менга узатар экан. — Китоблари кўлма-кўл бўлиб ўкиляпти, баъзилари қайта нашр ҳам бўлди, ёшлар ўртасида жа машхур. Газетада кутлов чикса хурсанд бўларди-да...

Набижонни биламан, Олтиарикнинг машхур Повулгон кишлогиди таваллуд топган, дурустгина калами бор, сухбати маъноли йигит, аммо кейинги икки-уч йил ичида ўнга яқин саргузашт китоблари чоп этилганидан, саргузашт-детектив жанрида астойдил меҳнат қилаётганидан беҳабар эканман. “Эрлибосли аёл” — роман, “Аросат дунё” — уч китобдан иборат саргузашт кисса, “Чимилдикли уй ноласи” — саргузашт роман, “Ёввойи келин” — детектив роман, “Топталган гулбадан”, “Аламли мухаббат”, “Покланган фирибгар”, “Зебузар” — саргузашт киссалар ва яна бир неча пиесалар, киносценарийлар... “Койил-е!” деворганингни ўзинг ҳам билмай коласан.

Саргузашт романлари билан дунёга машхур ёзувчилар қандай ишлаганини эсласак, ажабланарли жойи йўқ, бугун дунёнинг ўзи саргузашт воқеаларга бой. Бундан сал аввал ўзимизда ҳам бир ёш йигитча ўзи тенги газеталардан биридаги сухбатиди: “Мен бу йил камида қиркка кисса ёзишни режалаштирганман”, деди. Ҳеч ким “вахх” деб юборгани йўқ. Аммо бизнинг онг-шууримизга, маънавий оламимизга, ахлоқимизга турмуш тарзимизга бевосита таъсир кўрсатадиган чинакам бадиий адабиётни кўзда тутадиган бўлсак, кимнинг қанча асар ёзгани муҳим эмас, қандай ёзгани ва ёзганларидан қандай маъно англашилгани муҳим. Баъзи муаллифлар бор-йўғи битта китоб билан ҳам машхурлик чўққисига кўтарилиб, бу жойни анча вақт забт этиб туришган.

Шу мулоҳаза билан Набижоннинг саргузашт китобларини, гарчи вақт тигиз бўлишига қарамай, ўқишга бошладим. Биринчи бўлиб “Аросат дунё”ни кўлимга олдим. Асарда ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида шўроларнинг қатагон сиёсати қурбонига айланган Мамажонбойнинг кўрган-кечирганлари, чидаб бўлмас даражадаги азоб-уқубатларга дучор бўлганида ҳам, худди машхур Робинзон Крузо, Дерсу Узала, граф Монте Кристо каби умидсизликка тушмай, ҳаёт учун қурашгани батафсил ҳикоя қилинади.

Алгов-далговли бу давр мавзусида кўп ўқиганимиз, қатагон қилинган ватандошларимизнинг аянчли ҳикояларини кўплаб тинглаганимиз учун ҳам, асар қахрамонининг олис Тайгада ёлғиз бир ўзи ўлим билан неча бор юзма-юз келиши тафсилотлари ўқувчини бениҳоя қизиқтиради. Бунинг яна бир боиси, асар воқеалари муаллифнинг бадиий тўқимаси эмас, реал ҳаётнинг воқеаларга асосланганида.

“Чимилдикли уй ноласи” саргузашт роман, дейилган. Асарда ўзаро аҳду паймон қилишган, аммо висол нашидасини суриш насиб этмаган икки ёшнинг пок мухаббатлари, қалб изтироблари қаламга олинган. Воқеалар ривожини бобдан бобга қуюқлашиб боради, қахрамонлар тақдир тутқичини тутиш йўлида аёвсиз синовларга, хуш-нохуш воқеаларга, турфа ниятли одамларга дуч келадилар. Воқеа-ҳодисалар муаллифнинг кистови билан тезлашиб, бадиий тўқима бўртиб кетган жойлари ҳам бор. Бундай ҳолатларда, бошқа айни шундай китобларни ўқиётганимизда ҳам бўлганидек, ўқувчини муаллифнинг ёзувчилик маҳорати эмас, воқеаларнинг давомига бўлган шунчаки қизиқиши ушлаб туради. Ота-онасига ёрдам бериш учун олис ўлкаларга ишга отланган ёш Қобилбекнинг бошига тушган савдолар нима билан тугагини кутиб, ниҳоят асарнинг сўнгги саҳифасига етиб келасиз.

Менда ҳам шундай бўлди. Хар икки асарни айна шу кизикиш боис ўкиб тугатдим. Уларни тахририятга олиб келган хажвчи дўстимиз тўғри айтган экан — китоб масаласида анча инжик мен ҳам ўкиб чикдим-ку, демак, бошқалар, айникса, ёшлар бундай асарларни кўлма-кўл килиб ўкишаётганига ишонса бўлади. Токи шундай экан, бугун ижодий самарадорликда ҳаммамиздан пешкадам бўлиб турган Набижон Хошимовга ёзилган кутловни бемалол эълон килаверсак ҳам бўлади. Аммо...

Мен унинг бор-йўги иккита асарини ўкиб чикдим. Шу ўкиганларим асосида баъзи хулосаларга келдим ҳам.

Набижон ўзи ихтиёр этган жанрда битилган кўплаб машхур асарларни яхшилаб ўкиган кўринади, хар кандай каламкаш учун шунинг ўзи мактовга сазовор. Иккинчидан, Набижонда ёзувчилик салохияти бор, воқеий кисса ёзадими, саргузашт роман битадими, ўқувчини асарнинг охиригача хаяжон ва изтиробда “ушлаб” тура олиши буни исботлаб турибди. Бу жуда мухим тажриба. “Чимилдикли уй ноласи”да менга кекса ўрмончи чолдан Кобилбекка “мерос” колган эски, сассик фуфайка детали маъкул бўлди. Кобилбек ишлаш учун йўлга отланиб, Россиянинг овлок бир худудига бориб колади. Рахм-шафкат нималигини билмайдиган кимсаларнинг кўлида кулдек ишлайди. Бир куни шериклари уни бир амаллаб кочиришади. Кобилбек аёвсиз Тайгада узок вақт тентираб юради, совукда бир амаллаб жон саклайди. Охири куролланган кишилар ниманидир ахтариб келиб, чайлада бир ўзи амал-такал килиб кун кечираётган чолни кийнаб ўлдиришларига гувоҳ бўлади. Кобилбек чолни дафн этади, унинг эски фуфайкасини кийиб, йўлга тушади. Асар сўнгида шу фуфайка ичидан жуда катта микдорда хорижий валюта чиқиб, кахрамонларнинг тақдирини бутунлай ўзгартириб юборади. Бошка бир тажрибали муаллиф бўлганида, бу кийимнинг асар якунидаги ижтимоий юқини янада ошириб юборган бўларди. Масалан, Кобилбек хали жони узилмаган чолни бахоргача парвариш килиши, даволаши, чол эса вафот этишидан олдин унга: “Рахмат сенга, ўғлим, фарзандим йўк эди, сени Худонинг ўзи етказди, уйингга етгунингча шу фуфайкани эгингдан ечма”, дейиши ҳам мумкин эди-ку...

Бугун хусусий нашриётларда пешма-пеш чоп этилаётган айрим китобларнинг бир кусури — улардаги сон-саноксиз хатоликлар, гализ жумлалар, имло коидаларига амал килмаслик. Хато шу қадар кўпки, кўлёмани босмахонага топширишдан олдин бирор киши ўкиб чикканми, корректураси муаллиф матнига солиштирилганми ёки йўкми, деган иштибох тугилади. Асабга тегадиган бу кусур бошка китоблар катори Набижон Хошимовнинг саргузашт киссаларида ҳам учрайди. Мана, баъзи мисоллар. “Чимилдикли уй ноласи”, биринчи кисм, учинчи саҳифа. Йўловчилар автобусга “гала-говур килиб, тик туриб жойлаша бошладилар. Теварак-атроф окариб, шафак кизара бошлайди. Хайдовчи бир эснаб, керишиб олади-да, ўрнидан эринибгина туриб, кўзларини ишкай-ишкай кира хақини йигишга бошлайди. Тикилинчдан бетокат бўлганлар эса энди гўё бабакхўроздай норози кичкира бошладилар”.

Шу биргина абзацнинг ўзида “бошлайди” сўзи тўрт марта ишлатилган. Имло хатоларининг сон-саногии йўк. Мана бу жумлаларга эътибор беринг (64-саҳифа): “Нурбек уларнинг бошига магзава ағдаргандек, б р дунё карзни илиб кетди. Нурбек хотини Ойнисани х ёнатда айблаб уни бутундай ёмон кўриб колди. Болаларидан еҳри кочди. Онаси, хотини ва болаларининг тақдирига ефарк бўлди. Ойнисага энди туман матлубот уюшмасида шлашни бутунлай таъкиклаб кўйди ва Россияга тезлик илан кайтиб кетишга тараддуд кўра бошлади”.

Ушбу мулохазаларни коғозга туширар эканман, бир муаммо хусусида ўзим билан ўзим

тортиша бошлайман: китобхонлар, адабий жамоатчилик, мухтарам танкидчиларимиз оёкка туриб, истеъдодли ёш муаллифларни ёнимизга олиб, камчиликларини тўғрилаб, ноширларнинг масъулиятини ошириб, бундай нуксонларга бархам беришимиз ёки... “Ха энди, бугун шу-да, нима хам дердик”, дея бепарво юраверишимиз керак. Метро вагонларидаги деярли ягона ўзбекча “Илтимос суюнмангиз” деган гализ ва хато ёзувга кўникиб бўдик-ку!

Набижон Хошимов ва у даражасидаги фаол ижодкорлар олдида, менингча, иккита йўл турибди. Биринчиси: шиддатни сусайтирмай, шу йўсинда, шу савияда пешма-пеш китоблар чиқаравериш, кайта-кайта нашр эттириш, менга ўхшаган инжик мухаррирларнинг эътирозларига мутлако парво қилмаслик. Иккинчиси — озрок бўлса-да Худо берган истеъдодни хурмат қилиш, шошилмаслик, бир йилда бешта эмас, битта асар ёзишу қойил қилиб қўйиш. Ё бозорни кизитиш, ё адабиёт ривожига, маънавият, маърифатга хизмат қилиш. Набижон Хошимов истеъдодсиз, адабиётга дахли йўқ шунчаки бир хаваскор каламкаш бўлганида, мен бу гапларни асло ёзмаган бўлардим. У анчайин шакланган, калами қайралган, ўқувчига айтадиган гапи бор ёзувчи. Факат озрок кунт қилса, қўлёмаларини мухокамага қўйиб, билдирилган мулохазалар асосида кайта-кайта ишлашга одатланса бўлди, адабиётимизни янги-янги асарлар билан бойитадиган ёзувчига айланиши шубҳасиз. Бу иш унинг қўлидан келади, деб ўйлайман. Чунки детектив жанридаги ур-йикит, қочди-қувди, шилиб кетди-тилиб кетди, сирли котиллик кабилида битилган, тахирисиз чоп этилган асарлар вақти-соати билан ўқувчининг меъдасига тегади. Бозор адабиёти у ёки бу муаллифга ўз “багри”дан жой берар экан, кейинчалик бу иссиқ гўшани тарк этиш жуда қийин кечади. Бунга энди мисоллар жуда хам кўп...

Набижон мени тўғри тушунади ва ушбу мулохазаларимни тўйхат ўрнида қабул қилади, деган умиддаман.

Ахмаджон Мелибоев